

Мисрлик болакайнинг Қуръон тиловат қилишдаги муваффақияти



10:51 / 08.03.2021 1720

Миср давлатининг Ал-Аксар вилоятида истиқомат қилувчи Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳалил болалигида чиройли овозга эга бўлган ва 8 ёшида Қуръони Каримни тўлиқ ёд олган. Бу ҳақда Sedayi Beled веб-сайти хабар берди.

У 13 ёшида ўнлик таснифи бўйича Қуръон ўқишни ўрганган.

Абдуллоҳ Муҳаммад Ал-Аксар вилоятининг шимолидаги Ал-Зиния шаҳрида туғилган. Отаси Ал-Азҳарда Қуръон таълим марказларидан бирида ўқитувчи бўлган. Абдуллоҳ Муҳаммад болалигидан Қуръонга қизиқиб келган ва тўрт ёшида у ал-Азҳар жамоасининг имомларидан Қуръон ўқишни бошлаган ҳамда шу ерни ўзида мусҳафни ҳаммасини ёдлашга муваффақ бўлган.

«Мен Қуръонни тўлиқ ёд олганимдан сўнг ўнлик таснифи бўйича ҳам Қуръонни ёдлашга ҳаракат қилдим. Шу тарзда тенгдошларимдан фарқ қилардим. Бошланғич мактабнинг учинчи синфига келиб, мен болаларга YouTube'да Қуръон ёдлашни ўргатишга қарор қилдим ва ўнта тасниф бўйича ўқиш ҳақида батафсил тушунтиришлар бердим» дея таъкидлади Абдуллоҳ.

Мисрлик болакайнинг отаси қуйидаги сўзларни айтди: «Абдуллоҳ - бу Аллоҳнинг менга берган инъоми ва у болалигиданоқ жуда хотиржам ва қатъиятли эди. У 4 ёшида менинг ёнимда ўтирар ва Қуръон тиловатига қулоқ солар эди. Шундан сўнг мен унга Қуръон ёдлашни ўргатишни бошладим. Уни тажвид, фиқф ва Қуръон ёд олиш учун Саид ад-дин Фахрига шогирдликка бердим. 8 ёшида у бутун Қуръоннинг ёддан хатм қилишга муваффақ бўлди».